

“ЎЗАВТОСАНОАТ” АЖнинг
(тармоқ корхоналарнинг йиғма
кўрсаткичлари билан)

2022 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент - 2022

МУНДАРИЖА

I. Жамият ва тармоқ тўғрисида умумий маълумот

1.1 Жамият бўйича умумий маълумот

1.2 Жамиятнинг қисқача тарихи ва жорий йилда эришилган ютуқлари

1.3 Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида қисқача маълумот

1.4 Кадрлар сиёсати, янги иш уринларни яратиш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш

II. Жамият ва унинг корхоналарини ислох қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси

2.2 Ислох қилишнинг 2022 йил учун режаси

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1 Ички бозор фаолияти

3.2 Экспорт бозорларидаги фаолияти

IV. Кўрсаткичлар

4.1 Ишлаб чиқариш режаси

4.2 Инвестиция фаолияти

4.3 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш

V. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режаси бошқарув аппаратининг ҳамда тармоқ корхоналарининг умумлаштирилган прогноз кўрсаткичлари бўйича шакллантирилган. Бунда тармоқ корхоналарининг асосий кўрсаткичлари бўйича - ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш, жумладан экспорт, инвестиция фаолияти, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини қисқартирш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда молия-хўжалик фаолияти аск этирилган.

I. Жамият ва тармоқ тўғрисида умумий маълумот.

1.1 Жамият бўйича умумий маълумот.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти.

Тармоқ: Автомобиль саноати.

2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг устав фонди 1 858,72 млрд. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 100 фоизлик улуши билан жамиятнинг таъсисчиси ҳисобланади.

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13.

СТИР: 201053918

Жамият ташкилий тузилмаси бўйича бошқарув ходимларининг умумий сони – 99 бирлик (ички аудит хизматидан ташқари).

1.2 Жамиятнинг қисқача тарихи ва жорий йилда эришилган ютуқлари.

1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Ўзавтосаноат” Ўзбек автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси ташкил этилган, 2004 йилда “Ўзавтосаноат” ассоциацияси ишлаб чиқариш бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида акциядорлик компанияга айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3028-сонли қарорига асосан “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг (кейинги таҳрирларда жамият деб юритилади) ташкилий-ҳуқуқий тузилиши акциядорлик компаниясидан акциядорлик жамиятига ўзгартирилган.

Бугунги кунда соҳада “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти доирасида бирлаштирилган ва бевосита 28 мингдан ортиқ ишчи ўрнига эга 72 дан ортиқ тармоқ корхоналари ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, 200 дан ортиқ чет эл корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. “Ўзавтосаноат” АЖ ўнлаб катта ва ўрта корхоналар билан бир қаторда Корея республикаси, Италия, Германия, Япония каби хорижий мамлакатлар капитали билан биргаликда ташкил этилган компанияларни бирлаштиради.

Нуфузли компаниялар билан тенг ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган илгари одимлаш стратегияси рақобатбардош маҳсулотларни дунё стандартлари даражасида ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ҳозирги кунда автомобиль саноати республика иқтисодиётида жадал ривожланаётган тармоқлардаги бири ҳисобланади.

2022 йил январь-октябрь ойларида эришилган ютуқлар.

2022 йил январь - Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖ таркибида “Autosanoat Agro Lising” МЧЖ лизинг ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

2022 йил февраль - Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихон Смаиловнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида UzAuto ва “Allur Group” АЖ (Қозоғистон) ўртасида Тошкентда янги мултибрендли автомобиль комплекси ва автомобиль онлайн-маркетплейси (савдо майдончаси) ташкил этиш ҳақида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

UzAuto Хитойнинг электромобиллар ишлаб чиқарувчи йирик компанияси BYD Auto Industry билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олди.

2022 йил март - “UzAuto Motors” компанияси автомобилга контрактацияни янгилади.

2022 йил март - “UzAuto Motors” компанияси Chevrolet Tahoe ва Traverse сотувини бошлади.

2022 йил апрель - “UzAuto Motors” компанияси ишлаб чиқариш кўрсаткичларини оширди, биринчи чоракда Асака ва Хоразмдаги заводида 68 905 дона автомобиль ишлаб чиқарилди.

2022 йил апрель - “UzAuto Motors” компанияси бозор имкониятларини кенгайтириб, Ливанга Chevrolet Spark автомобилларининг биринчи партиясини юборди.

2022 йил апрель - “UzAuto Motors” компанияси Асака шаҳридаги заводида тест синов тариқасида 16 дона янги “Tracker-2” “Non-Saleble” автомобилларини ишлаб чиқарди.

2022 йил май - “UzAuto Motors” компанияси йил бошидан буён 108 300 дан ортиқ автомобилни ўз эгаларига топширди.

2022 йил май - “UzAuto Motors” компанияси Миллий маркетинг маркази томонидан ташкил этилган “Йил бренди” танловининг “Транспорт” йўналишида онлайн овоз бериш жараёнида фолибликни қўлга киритди.

2022 йил июнь - Тошкентдаги “Control Auto” премиум хизмат кўрсатиш маркази негизида Škoda va Volkswagen брендларининг расмий дилерлик маркази очилди.

2022 йил июнь - UzAuto хитойлик BYD компанияси билан биргаликда автомобилларнинг доимий харидорлари томонидан янги энергия манбалари ҳақидаги тасаввурни ўрганиш бўйича “Car Clinic” тадқиқотини бошлади.

2022 йил июнь - “Ўзавтосаноат” АЖ тузилмавий корхонаси Наманганда автомобиль фараларини ишлаб чиқарувчи “UzChasys” компанияси Франциянинг Stellantis компаниясига қарашли Peugeot Partner автомобилларига фаралар етказиб беришни бошлади.

2022 йил июль - “UzAuto Motors” компанияси Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғини бажариб, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 160 100 дона автомобиль ишлаб чиқарди.

2022 йил июль - “Автоойна” мустаҳкам ва хавфсиз бўлган қорайтирилган ойналарни ишлаб чиқаришни бошлади.

2022 йил июль - Jizzakh Auto компанияси Жиззах шаҳридаги Мономарказ билан меморандум имзолади.

2022 йил июль - “UzAuto Motors” АЖ Асака шаҳридаги заводида Chevrolet Tracker-2023 автомобилни ишлаб чиқаришни бошлади.

2022 йил июль - Қозоғистон автомобил бизнеси уюшмаси (ҚАБУ) 2022-йилнинг июн ойидаги маълумотига кўра, Қозоғистондаги енгил автомобилларнинг етакчи брендлари орасида Chevrolet етакчи ўринни эгаллади.

2022 йил июль - “UzAuto Motors” АЖ Асака заводида Chevrolet Onix автомобилни серияли ишлаб чиқарилишдан олдин, PPV (Pre-Production Vehicle) босқичида биринчи Onix автомобили йиғилди.

2022 йил август - UzAuto Motors енгил автомобиль ишлаб чиқариш бўйича МДХ давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллади.

2022 йил август - Chevrolet Tracker автомобили сотуви бошланди ва бир кунда 7 471 дона Chevrolet Tracker учун шартнома тузилди.

2022 йил август - Жанубий Кореанинг автомобиль саноати етакчи коллежи Ажоу Мотор ва ТТПУ ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди.

2022 йил сентябрь - Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Chevrolet Tracker ўз эгаларига топширилди.

2022 йил сентябрь - “UzAuto Motors” малакали кадрларни танлов асосида ишга қабул қилди.

2022 йил сентябрь - Президент фармонида кўра “UzAuto Motors” компаниясининг ходимлари Қамбаров Номонжон Мамажонович “Меҳнат шухрати” ордени билан ҳамда Жалилов Дилмурод Сотволдиевич “Шухрат” медали билан тақдирланди.

2022 йил октябрь - “UzAuto Motors” АЖ АССА Approved Employer мақомини олди ва ҳамкорига айланди.

2022 йил октябрь - UzAuto Motors илк IPO'сига старт берилди.

2022 йил октябрь - UzAuto Motors автозаводига очик танлов асосида 2 000 нафардан ортиқ кадр ишга қабул қилинди.

2022 йил октябрь - General Motors International компанияси билан 2023 йилда ишлаб чиқариш қувватини 500 минг донага етказиш бўйича келишувга эришилди.

2022 йил октябрь - “Olamavto” мажмуаси ва Trade-in маркази очилди.

1.3 Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида қисқача маълумот.

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси (схема) ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси (схема) 1 ва 2 иловаларда тақдим этилган.

Жамият фаолиятининг тузилмаси.

Ишлаб чиқариш йўналишида.

“Узавто Моторс” АЖ – енгил автомобиллар.

“СамАвто” МЧЖ ҚК – ISUZU турдаги юк автомобиллари ва автобуслар.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК – Man, Sinotruck турдаги катта юкламали тягачлар, самосваллар, махсус транспортлар ва автобуслар.

“Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ – енгил тижорат автомобиллари.

“Узавто Моторс Пауэртрейн” АЖ – куч агрегатлари.

Маҳаллийлаштириш корхоналари - автокомпанентлар.

Бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари.

Енгил автомобилларнинг савдоси ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида.

Ташқи бозорлар: МДХ давлатларида 5 та дистрибьютор ҳамда 99 та дилер Chevrolet бренди остида фаолият кўрсатмоқда.

Ички бозорларда “Узавто Моторс” АЖнинг 94 та фаол диллерлик марказлари ўз фаолиятини олиб бормоқда (шулардан 70 та диллер енгил автомобиллар сотиш билан бирга техник хизмат кўрсатиш станцияларига эга). Диллерлик марказларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида 20 та, Тошкент вилоятида 13 та ҳамда Фарғона вилоятида 10 та диллерлик марказлари жойлашган.

Жамият бошқариш компаниялари.

“Автосаноат Инвест” МЧЖ, “UzAutoComponents” МЧЖ, “Uzauto Passenger Vehicles Management” МЧЖ ҳамда “Uzauto Commercial Vehicles Management” МЧЖ.

Кадрлар тайёрлаш йўналишида.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги Академик лицей.

1.4 Кадрлар сиёсати, янги иш уринларни яратиш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш.

Жамият режалаштираётган стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезонларидан бири - бу мутахассисларни тайёрлаш учун ажралмас ва мунтазам тизимни яратишдир, бунда асосий ўринда тизим корхоналарини муҳандис-техниклар, молиячи-иқтисодчилар ва бизнесни бошқариш йўналишидаги малакали мутахассислар билан таъминлаш долзарб ўрин эгаллайди.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимидаги энг муҳим бўғин Тошкентдаги Турин политехника университети ҳисобланади ва бугунги кунда Университет томонидан жамият ҳамда тизим корхоналари учун автомобилсозлик саноатининг ўзига хос муҳандислик, дизайн салоҳиятини яратиш ва ривожлантиришда асосий бўғинга айланмоқда.

“Ўзавтосаноат” АЖ таркибига кирувчи тармоқ корхоналарида кадрлар малакасини таъминлашнинг асосий йўналиши кадрлар захирасини яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш ҳисобланиб, бунга қуйидагилар киради:

1. Ходимларни тайёрлаш - умумий ва махсус билимлар даражасини ошириш, мутахассислик бўйича амалий иш тажрибасини ошириш;
2. Махсус дастурлар бўйича ўқув марказларида ўқитиш орқали малака ва касбий маҳорат даражасини ошириш;
3. Ишчилар ва мутахассисларни жойлаштиришни рационализация қилиш;
4. Соҳа учун кадрлар захирасини яратиш ва янгилаб бориш.

Шу билан бирга, 2022 йилда тармоқда янги иш ўринларини яратиш, ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва тармоқ корхоналари раҳбарларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқитиш дастурлари режалаштирилмоқда.

“Ўзавтосаноат” АЖнинг бошқарув органи тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги - 100%

II. Кузатув кенгаши аъзолари				
2.1	Жуманазаров Рузикулович	Акмал	Ўзбекистон Вазирлар геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департамент бошлиғи	Республикаси Маҳкамасининг
2.2	Рахматов Касимович	Феруз	Ўзбекистон Президенти Администрациясининг бош консультанти	Республикаси
2.3	Саидов Зоирович	Зафар	Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси базавий ва мудофаа саноати тармоқларини шўбаси мудири	Республикаси
2.4	Атаджанов Бекбергенович	Мурод	Молия вазирлиги бошлигининг ўринбосари	Ғазначилиги биринчи
2.5	Бо Инге Андерссон		“UzAuto Motors” АЖ бош директори	
2.6	Шарик Хан		Мустақил аъзо	
2.7	Андреас Эдингер		Мустақил аъзо	
III. Ижро органи				
1.	Умурзаков Буранович	Шавкат	“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқарув раиси	
2.	Шукуров Кобилович	Азизбек	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	
3.	Рафиков Воҳидович	Абдуваққос	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	
4.	Таджиев Убайдуллаевич	Сардор	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	
5.	Тураев Разакович	Фарход	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	
6.			“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	

II. Жамият ва унинг корхоналарини ислох қилиш.

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4397 сонли “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарорига мувофиқ 2020 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ ҳамда Boston Consulting Group халқаро консалтинг компанияси

томонидан 2030 йилгача бўлган давр учун автомобиль саноати стратегияси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган стратегияга кўра қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Автомобиль саноатида фаолият кўрсатаётган ёки фаолиятини бошламоқчи бўлган компанияларга тенг шарт-шароитларни яратиш;

2. Ўзбекистон Республикасининг автомобиль саноатини бошқариш моделини ислоҳ қилиш (трансформация) ва автомобиль саноати тизимдаги корхоналарда давлат иштирокини (улушини) қисқартириш;

3. Янги ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

4. Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бозорга олиб чиқиш;

5. Электромобилларни ишлаб чиқаришга босқичма-босқич таёргарлик кўриш;

6. Ишлаб чиқариш активларини (корхоналарни) оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Шу билан бирга, **2022-2026 йилларга** мўлжалланган янги **Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига** мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгиланган:

- автомобиль саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш;

- автомобиллар маҳаллийлаштириш даражасини ошириш;

- Чирчиқда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш;

- электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш чораларини кўриш.

2.2 Ислоҳ қилишнинг 2022 йил учун режаси.

“Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. Лойиҳа “GEM”нинг янги бирлашган глобал платформасига ўтиш орқали “Uzauto Motors” АЖ да янги автомобиллар моделларини ўзлаштириш.

“Узавто Моторс-ПауэрТрейн” АЖда янги автомобиль моделлари учун янги турдаги двигателларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш.

“Узавто Моторс” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 70 дан ортиқ бутловчи қисмларида яримўтказгичлар (микросхема-чиплар) қўлланилишини инобатга олиб, General Motors корпорацияси билан яримўтказгичларни ўз вақтида етказиб беришни

таъминлаш бўйича доимий музокаралар ўтказиб бориш орқали муаммони бартараф этиш.

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ва янада яхшилаш.

Хомашёнинг муқобил етказиб берувчиларини излаш ва “Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг импорт қилинадиган хомашёни сотиб олиш учун харажатларини оптималлаштириш.

“Ўзавтосаноат” АЖ тизимдаги корхоналарда давлат иштирокини (улушини) қисқартириш бўйича амалий ишларни давом этиш;

2022-2023 йилларда “Узавто Моторс” томонидан GDR форматда акцияларни бир қисмини халқаро капитал бозорларда IPO орқали сотиш. Ушбу йўналишда қатор етакчи халқаро инвестиция банклари ва Молия вазирлиги иштирокида музокаралар олиб бориш.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарини Чирчиқ шаҳрига кўчириш ва яхлит қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил қилиш. Бунда, “Технолог” ва “Агрегат” заводлари асбоб-ускуналарини “Чирчиқ кластер”га кўчириб, қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ яқунлаш ва 2023 йилдан тўлиқ ишлашини таъминлаш.

Ишлаб чиқариш географиясини кенгайтириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида, жамият томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларни кўшни давлатларда (Тожикистон ва бошқа кўшни давлатлар) SKD технологияси асосида ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш.

Янги энергия манбааларида ҳаракатланувчи автомобилларни ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлар билан битим тузиш ва лойиҳани босқичма-босқич амалга оширишни бошлаш.

Жорий моделларнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириб, охирига етказиш, янги моделларни бутловчи қисмларини маҳаллий корхоналарда ўз вақтида, графиклари асосида ишлаб чиқариш бўйича ишларни ташкиллаштириш.

Барпо этилган Саноат Хабида, янги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш бўйича ишларни давом эттириш, лойиҳаларни амалга ошириш.

“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2019-2021 йиллар учун умумлашган халқаро молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва мустақил ташқи аудитдан ўтказиш.

“Узавто Моторс” АЖ, “Узавто Моторс-ПауэрТрейн” АЖ ва “Самарқанд Автомобиль заводи” МЧЖ улушини стратегик инвесторларга сотиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Хом-ашёнинг муқобил етказиб берувчиларини излаш ва “Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг импорт қилинадиган хомашёни сотиб олиш

учун харажатларини оптималлаштириш бўйича тегишли бошқарув органларининг қарорларни қабул қилиш, шу жумладан паст рентабеллик корхоналарни қайта ташкил этиш, ёки тармоқнинг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш бўйича соҳага кадрлар тайёрлаш бўйича қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва автомобиль техникаларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича мутахассисларни тайёрлайдиган Дуал таълим марказини ташкил этиш.

III. Бозор ва маркетинг режаси.

3.1 Ички бозор фаолияти.

“Узавто Моторс” АЖ ички бозорнинг дилерлик тармоғи фаолиятини такомиллаштириш бўйича доимий иш олиб боради.

Дилерлик тармоғини ривожлантириш, дилерлик марказларини оптималлаштириш ва дилерлик марказлари тоифаларини очиш бўйича янги концепция ҳамда талабларни тасдиқлаш режалаштирилган. 2021 йилда амалдаги 92 та Дилерлик марказлари Chevrolet брендининг D-1 стандартига мос равишда қайта жихозланди. Шунингдек, 2022 йилда барча Дилерлик корхоналарини D-2 стандартига мувофиқ ягона корпоратив услубга ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2022 йилда савдо маданиятини ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида дилерлик тармоғининг савдо ходимларига тренинглар ўтказиш мақсадида жаҳон тажрибасига эга бўлган ҳамда GM корпорацияси авторизациясидан ўтган тренинг корхоналари жалб қилинди. 2022 йил якунига қадар ушбу тренинглар орқали бутун дилерлик тармоғи савдо ходимларини қайта ўқитиш режалаштирилган.

Дилерлик марказлари ўртасида рақобатни кучайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ички бозорда автомобилларни сотиш ҳажминини ошириш мақсадида уларни хусусий инвесторларга сотиш орқали тўлиқ хусусий дилерлар сонини кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“СамАвто” МЧЖ ҚК маҳсулотларни ички бозорда сотишни Ўзбекистон Республикаси бўйлаб жойлашган 39 та дилерлик корхоналари амалга оширади.

Истеъмолчиларни эҳтиёжини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида 3 та ҳудудий омборлар фаолият кўрсатмоқда (Тошкент, Урганч ва Фарғона вилоятларида), улар Исузу (Япония) томонидан тавсия этилган тизим ва махсус жавонлар билан жиҳозланган.

Самарқанд автомобилсозлик коллежи ҳудудидаги махсус жиҳозланган ўқув марказида ва Самарқанд шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш марказида

(марказ КОІСА билан ҳамкорликда ташкил этилган) “СамАвто” МЧЖ ҚК мутахассислари томонидан дилерлик марказлари учун кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йили ваколатли хизмат кўрсатиш станцияларининг автоулов механиклари ўртасида техник мусобақалар ўтказилади, унинг давомида энг яхши техник мутахассислар аниқланади ва автоуловларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида тажриба алмашилади. Мусобақада иштирок этган ғолиблар Японияда бўлиб ўтадиган халқаро автоулов механиклари танловида иштирок этишлари мумкин.

Бундан ташқари, харидорларни жалб қилиш учун корхона турли ҳил тадбирлар ва акциялар амалга оширади. Акцияларни амалга оширишда техник хизмат кўрсатиш стандартларига риоя этилишини назорат қилувчи япон мутахассислари кўмагидан фойдаланилади.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚКнинг жорий йилда республикада 32 та дилерлик ва хизмат кўрсатиш марказлари фаолият юритмоқда. Ҳар йили “Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК дилерлик тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда ишлаб чиқариладиган транспорт воситаларининг турини кенгайтириш, шунингдек, СТГ (метанда) ишлайдиган транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, корхона мунтазам равишда маркетинг тадбирларини олиб боради. Офлайн ва онлайн манбаларда компаниянинг брендини ва маҳсулотларини реклама қилинишини давом этирилади. Шу билан бирга, 2022 йилда корхонада мавжуд тайёр маҳсулотларни сотиш учун акцияларни эълон қилиш ва молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

3.2 Экспорт бозорларидаги фаолияти.

“Узавто Моторс” АЖ 2020 йил март ойидан бошлаб автомобиллар “CHEVROLET” бренди остида МДҲ мамлакатлари ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Ҳозирги кунда ҳамма ҳорижий дилерлик тармоқлар “CHEVROLET” тармоғига ўтди.

Маҳсулот таннархини қисқартиришни амалга ошириш ва бу орқали экспорт нархларини тартибга солиш ишларини давом эттириш режалаштирилган. Шу жумладан, “СарыаркаАвтопром” (Қозоғистон)га юборилаётган SKD тўпламлари учун ҳам. Шу билан бирга, SKD тўпламлари шаклида экспорт қилинаётган Chevrolet Nexia автомобили билан бир қаторда Chevrolet Malibu, Chevrolet Damas/Labo, Chevrolet Cobalt, Chevrolet Spark, Chevrolet Tracker, Chevrolet Trailblazer, Chevrolet Tahoe, Chevrolet Traverse, Chevrolet Equinox автомобилларини етказиб бериш давом эттирилмоқда.

ООО “Азермаш СР” (Озарбайжон Республикаси) ишлаб чиқариш майдонларида 2022 йилда SKD тўпламлари шаклида экспорт қилинаётган Chevrolet Nexia ва Chevrolet Cobalt автомобили билан бир қаторда Chevrolet

Damas/Labo, Chevrolet Malibu, Chevrolet Tracker, Chevrolet Lacetti, Chevrolet Equinox, Chevrolet Spark, Chevrolet Tahoe, Chevrolet Traverse, автомобилларини йиғиш ва бозорида сотиш режалаштирилган.

Янги экспорт бозорларини очиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида, жорий йилда Ливан давлатидаги IMPEX корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада ушбу давлатга Спарк автомобилларини экспорт қилиш йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу давлатга Кобальт автомобилни экспорт қилиш истиқболлари ўрганиб чиқилмоқда. Бундан ташқари Яқин шарқ ва Африка давлатларига экспортини йўлга қўйиш бўйича GM корпорацияси ва минтақадаги маҳаллий корхоналар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Бозорларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва маҳаллийлаштириш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар ҳам сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида халқаро автомобиль кўرғазмалари ва тақдимотларида иштирок этиш режалаштирилган.

Сотишдан кейинги сервис хизматларини амалга ошириш мақсадида ташқи бозорлардаги дистрибьютор корхоналарига эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ишлари давом эттирилади.

“СамАвто” МЧЖ ҚК ТОО “СарыаркаАвтоПром” (Қозғистон) билан имзоланган англашмага асосан 2022 йилда умумий киймати 36 млн. АКШ доллар булган 400 дана LE60 русумли автобусларини ишлаб чиқариш учун етарли булган машкомплект ва агрегатларни етказиб бериш ишлари давом эттирилади.

ООО “Азермаш Парк” (Озарбайжон Республикаси) ишлаб чиқариш майдонларида LE60 русумли автобусни ва D-MAX пикапларини йиғиш ва бозорида сотиш режалаштирилган.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК “СарыаркаАвтоПром” (Қозғистон) майдонларида MAN TGM, MAN TGS, MAN TGX русумли тиркамаларни йиғиш ишларини давом эттирилади ва ушбу маҳсулотларни СВС-Транс (Қозғистон) ва Eurasia Truck and Bus Kazakhstan (Қозғистон) экспортини амалга оширилади.

Экспорт ҳажмини оширишнинг долзарб вазифаларидан бири экспорт маҳсулотлари ассортиментини диверсификация қилиш ҳамда хорижий мамлакатларда (ОЕМ) автомобиль ишлаб чиқарувчилар конвеерига автомобиль қисмларини етказиб беришни ташкил этиш.

2022 йилда тармоқ саноат корхоналари хорижий автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг конвейерларига автомобиль қисмларини экспорт қилишни режалаштирмоқда, жумладан:

“УзЧасис” ҚҚ томонидан Россиянинг “АвтоВАЗ” ҳамкорлик доирасида Гранта моделлари учун автомобил фаралари, ёритиш мосламалари ва тормоз чироқларини экспорт қилиш ишлари давом эттирилмоқда;

“УзСангВу” ҚҚ томонидан Дамас автомобили учун “Sungwoo Hi-Tech” (Корея), Chevrolet Blazer учун “Sungwoo Hi-Tech”га (Мексика) кичик штампланган пайвандланган қисмларни экспорти режалаштирилмоқда.

IV. Асосий кўрсаткичлар. “Ўзавтосаноат” АЖ корхоналарининг 2022 йилдаги мақсадли режа кўрсаткичлари ҳамда ўсиш суръатлари. (3 илова)

4.1 Ишлаб чиқариш режаси.

2022 йилда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 325 минг донага етиб, ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 137,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 4 165 дона ISUZU туридаги юк автомобиллари ва автобуслар (ўсиш суръати 98,0 фоиз), 573 дона MAN, Sinotruck туридаги юк автомобиллари (152,0 фоиз), 1 235 дона Камаз юк автомобиллари ва тиркама ва ярим тиркамалар ҳамда ва 423 дона енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Бунинг ҳисобига жорий йил якунида тармоқ корхоналарининг sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 45 927,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 138,2 фоизга етиши режалаштирилмоқда.

4.2 Инвестиция фаолияти.

2022-2024 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига мувофиқ жамият тармоқ корхоналари томонидан 2020-2024 йилларда қиймати 800,4 млн. долларга тенг бўлган 5 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. 2022 йилда ушбу лойиҳалар доирасида 157,5 млн. доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган, жумладан:

1. “Янги автомобил моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. Лойиҳа “GEM”нинг янги бирлашган глобал платформасига ўтиш орқали “Uzauto Motors” АЖ моделлар қаторини янгилашни назарда тутди, шу асосда “В” турдаги (седан) ва “SUV В” (ихчам кроссовер) автомобилларининг 2 та янги моделларини ўзлаштириш режалаштирилган;

2. Замонавий қуёв ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва автомобиллар чўян деталларига механик ишлов беришни ўзлаштириш;

3. “Самавто” МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

4. “UzAuto Motors Powertrain” АЖ да янги автомобиль моделлари учун двигателнинг янги турини ўзлаштириш. Лойиҳада янги ишлаб чиқарилган автомобиллар учун янги двигателларни ишлаб чиқаришни назарда тутилган.

5. “Asaka City” кўп функционал турар-жой мажмуасини қуриш.


4.3 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш.

2022 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ йирик саноат корхоналари маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бунга кўра, саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини хомашё ва материаллар ҳамда бутловчи қисмлар нархларини қисқартириш, эксплуатацион ва устама харажатларини ва бошқа турдаги харажатларни жами 2 000,0 млрд. сўмга (4,6 фоиз) қисқартириш режалаштирилмоқда, жумладан хомашё ва материал харажатларини қисқартириш ҳисобига 1 534,2 млрд. сўм, бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ва операцион харажатларни қисқартириш ҳисобига 103,6 млрд. сўм, энергоресурсларни тежаш ҳисобига 11,2 млрд. сўм, маъмурий харажатларини қисқартириш ҳисобига 25,6 млрд. сўм, бошқа устама харажатларни қисқартириш ҳисобига 325,3 млрд. сўм.

V. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари.

“Ўзавтосаноат” АЖ корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш, Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мақсадида жамият томонидан жорий йил учун асосий ва кўшимча (КРІ) самарадорлик муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, 4 иловада тақдим этилган.


"Ўзавтосаноат" АЖнинг ташкилий тузилмаси



17 та ташкилот

- "Ўзавтосаноат" АЖнинг 100% улуши бор корхоналар;
- "Ўзавтосаноат" АЖнинг 50%дан ортик улуши бор корхоналар;
- "Ўзавтосаноат" АЖнинг 50%гача улуши бор корхоналар;
- "Ўзавтосаноат" АЖнинг ногижорат корхоналари

**“Ўзавтосаноат” АЖ
Ташкилий тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 99 бирлик (ички аудит хизматидан ташқари).

"Ўзавтосаноат" АЖ корхоналарининг 2022 йил учун мақсадли режа кўрсаткичлари ҳамда ўсиш суръатлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2020 йил амалда	2021 йил				2022 йил прогноз	Ўсиш суръати, %
				режа	амалда	баж., %	ўсиш суръати, %		
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари	млрд сўм	34 051,6	29 193,3	31 184,6	106,8	89,1	45 927,1	138,2
2	Асосий номенклатура:								
	- енгил автомобиллар	дона	280 080	212 500	235 750	110,9	84,2	325 000	137,9
	- автобуслар	дона	642	667	1 002	150,2	156,1	1 514	151,1
	- юк автомобиллари	дона	4 163	5 558	4 462	80,3	107,2	3 830	85,8
	- енгил тижорат автомобиллари	дона		1 000	917	91,7		423	46,1
3	Инвестицияларни ўзлаштириш	млн долл	114,6	152,6	223,9	146,7	195,4	157,5	х
4	Янги иш ўринларини яратиш	сони	1 209	756	1 533	202,8	126,8	1 450	х

ПЕРЕЧЕНЬ
основных ключевых показателей эффективности деятельности АО "Узавтосаноат" на 2022 год

№	Показатель	I квартал 2022 г.					I полугодие 2022 г.					9 месяцев 2022 г.					2022 год				
		Удельный вес	Прогноз	Факт	% вып.	КПЭ	Удельный вес	Прогноз	Факт	% вып.	КПЭ	Удельный вес	Прогноз	Факт	% вып.	КПЭ	Удельный вес	Прогноз	Факт	% вып.	КПЭ
A		B	C	D	E	F=ExB/100	B	C	D	E	F=ExB/100	B	C	D	E	F=ExB/100	B	C	D	E	F=ExB/100
Внедряемые:																					
1.	Выполнение прогноза чистой прибыли/убытка (тыс.сум)	25,0	32 841 287				25,0	30 715 033				20,0	206 752 779				20,0	213 419 409			
2.	Рентабельность активов (%)	25,0	0,009				25,0	0,009				20,0	0,049				20,0	0,051			
3.	Коэффициент покрытия (платежеспособности)	25,0	11,90				25,0	44,82				20,0	6,04				20,0	6,41			
4.	Коэффициент финансовой независимости	25,0	70,50				25,0	281,74				20,0	25,14				20,0	26,57			
5.	Расчет дивидендов (тыс.сум)											20,0	92 417 415				20,0	92 417 415			
Всего		100,0					100,0					100,0					100,0				